



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 17 февраль, сешанба, №18 (3664).



>>> Президент



МИХАИЛ ШАЙДОРОВ II ДАРАЖАЛИ «БАРЫС» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Kazinform. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев XXV қишки Олимпия ўйинлари чемпиони Михаил Шайдоровни мамлакат спорти тарихидаги муҳим ютуғи билан табриклади.

Президент спортчининг бадиий учиш бўйича биринчи олтин медали мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

– Михаил Шайдоровга юксак маҳорати ва ғалабаси учун миннатдорчилик билдираман, – деди Қ. Тўқаев. – Барча қозоғистонликлар ушбу ғалабадан фахрланиши лозим.

Шу муносабат билан Михаил Шайдоров II даражали «Барыс» ордени билан тақдирланди. Шунингдек, чемпионнинг мураббийлари тегишли вазирликлар томонидан тақдирланди.



Президент Олимпия чемпиониға улкан муваффақият ва ғалабалар тилади.

Таъкидлаш жоизки, Италиянинг Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида ўтаётган XXV қишки Олимпия ўйинларининг эркаклар ўртасидаги бадиий учиш мусобақаси якунланди.

Қозоғистонлик спортчи эркин дастурда иштирок этиб, муваффақиятга эришди. Жами 291,58 балл билан биринчи ўринни эгаллаб, Қишки Олимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди.

Бу Қозоғистон терма жамоаси учун 2026 йилги қишки Олимпиададаги биринчи олтин медаль ва қишки Олимпия тарихидаги иккинчи олтин медалдир.

Қозоғистон 8 йилдан сўнг қишки Олимпия ўйинларида илк бор олтин медални қўлга киритди.

ЖЕТИСАЙ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги 826-сонли Фармоннинг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Ўралбайули Кўшеровнинг Жетисай тумани аҳолиси билан учрашуви 2026 йил 27 февраль куни соат 17:00да Қ. Сатбаев номли қишлоқ маданият уйида ўтишини маълум қиламиз.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули соат 18:00да туман маданият уйи биносида ўтказилади.

Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига ёзилиш 2026 йил 26 февралга қадар, соат 9:00 дан 19:00 гача (тушлик: 13:00–15:00) қуйидаги телефон рақамлари ҳамда «Е-ётиш» ахборот тизими орқали амалга оширилади:

8 (72533) 5-98-99, 5-93-97.

Тегишли идоралар иштирокини таъминлаш ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида ариза берувчи ўз исми-шарифи, масаланинг мазмуни, манзили, алоқа телефони ва мавжуд бўлса электрон почтасини аниқ кўрсатиши лозим.

Учрашув манзили: Қарақай қишлоқ округи, Қ.Сатбаев аҳоли манзили, Қурманғаз кўчаси, рақамсиз.



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 2026 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЛОЙИҲАСИ, ФАҚАТ АХБОРОТ МАҚСАДИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА. РАСМИЙ ВА ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА MATN GOV.KZ САЙТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАВЛАТ ТИЛИДАГИ НУСХА ҲИСОБЛНАДИ.

(Давоми. Аввали ўтган сонда).

16-модда

1. Барча қонун ва суд олдида тенг.
2. Қозоғистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслар ирқий, миллий, ижтимоий, лавозим ва мол-мулк ҳолати, жинси, тили, дини, эътиқоди, яшаш жойи ёки бошқа сабаблар билан камситилишига йўл қўйилмайди.

17-модда

1. Ҳар бир шахс учун ҳаёт ҳуқуқи дахлсиз ва ҳеч кимдан олиб қўйилмайди.
2. Ҳеч ким инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмас.
3. Ўлим жазоси тақиқланади.

18-модда

1. Ҳар бир шахсга шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи кафолатланади.
2. Суд қарори бўлмай туриб шахс қонуний мuddатдан узоқ қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳисба олиниш фақат суд қарори билан амалга оширилади ва шикоят қилиш ҳуқуқи берилмайди.
3. Ҳар бир шахс қўлга олинган чоғда унга ушлаш асослари ва ҳуқуқлари тушунтирилиши шарт.
4. Қўлга олинган, гумонланувчи ёки айбланувчи шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлга олинган, гумонланувчи деб эътироф этилган ёки айблов қўйилган вақтдан бошлаб адвокат (ҳимоячи) ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

19-модда

1. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қўлга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбисиз деб ҳисобланади.
2. Ҳеч ким ўзига, турмуш ўртоғи ва қонунда белгиланган ақин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.
3. Бир жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик учун шахсни такор жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш тақиқланади.

20-модда

1. Ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз ва қонун билан ҳимоя қилинади.
2. Ҳеч ким зўравонлик, қийноққа солиш, инсон қадр-қимматини ҳақорат қилувчи ёки унга тааллуқли бошқа шафқатсиз муносабат ва жазога мубтало бўлмаслиги керак.

21-модда

1. Шахсий ҳаёт, шахсий ва оилавий сирлар, шу жумладан рақамли технологиялар орқали шахсий маълумотларни ноқонуний йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва қўлашдан ҳимоялаш қонун билан кафолатланади.
2. Банк операциялари, шахсий омонатлар, хатлар, телефон ва почта хабарномалари, шу жумладан, рақамли технологиялар орқали узатишган хабарлар қонун билан ҳимоя қилинади.
Бу ҳуқуқ фақат қонунда белгиланган ҳолатлардагина чекланиши мумкин.
3. Давлат тузилмалари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва оммавий ахборот воситалари ҳар бир инсонга ўз ҳуқуқ ва манфаатларига оид ҳужжатлар, қарорлар ва ахборот маълумоти билан танишиш имкониятини таъминлашга мажбурдирлар.

22-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг қайси миллатга мансуб эканлигини белгилаш, ошқора қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эгадир.
2. Ҳар бир инсон ўз она тили ва маданиятини қўллаш, мулоқот, тарбия, таълим ва ижода эркин тилини танлаш ҳуқуқига эга.
3. Сўз эркинлиги, илмий, техник ва санъат ижоди эркинлиги кафолатланади.
2. Заковат мулки қонун билан ҳимоя қилинади.
3. Давлат сирларидан ташқари, ахборотни эркин олиш ва тарқатиш ҳуқуқи қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усул билан амалга оширилиши мумкин. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати қонун билан белгиланади.
4. Сўз эркинлиги ва ахборот тарқатиш бошқаларнинг шаъни ва қадр-қимматиға, аҳоли саломатлиги ва жамият ахлоқига, жамоат тартибига путур етказмаслиги шарт.
5. Цензура тақиқланади.
6. Конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартириш, давлат ҳудудий ахиллиги, эгаменлик ва мустақилликка путур етказиш, жамоат тартибини бузиш, миллий хавфсизликка таҳдид қилиш, уруш ва қуролли тўқнашувлар, ижтимоий, ирқий, миллий, этник ва диний адоват, зўравонлик ва зўравонлиқни тарғиб қилиш, шунга даъват этиш ва унга ёрдам беришга йўл қўйилмайди.

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

1. Қонун билан белгиланган ҳолатлардан ташқари, Қозоғистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда бўлган ҳар бир инсон мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

2. Ҳар ким Қозоғистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ қонун билан белгиланган ҳолатларда ва белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Қозоғистон Республикаси фуқаролари мамлакатта эркин қайтиш ҳуқуқига эга.

25-модда

1. Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига эга.
2. Виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш умуминсоний ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳамда давлат олдидаги мажбуриятларни чекламаслиги лозим.

26-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқаролари бирлашиш эркинлиги ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмалари фаолияти қонун билан тартибга солинади.
2. Конституциявий суд, Олий суд ва бошқа судлар вакиллари, Марказий сайлов комиссияси раислари ва аъзолари, Олий аудит палатаси раиси ва аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва махсус давлат идоралари ходимлари, ҳарбий хизматчилар сиёсий партиялар ёки касаба уюшмалари аъзолари бўла олмайди, уларни қўллаб, сўзламасликлари, айбамасликлари зарур.

27-модда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир. Мажбурий меҳнат фақат суд қарори асосида, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ёки фавқулодда ва ҳарбий ҳолатларда қўлланилиши мумкин.
2. Қозоғистон Республикаси меҳнат хавфсизлиги ва тозалик талабларига мувофиқ шартларини, адолатли иш ҳақи ва қонунга мувофиқ ижтимоий ҳимояни кафолатлайди.
3. Шахсий ва жамоавий меҳнат низоларини қонунда белгиланган тартибда ҳал қилиш ҳуқуқи эътироф этилади.
4. Таътил, иш вақти, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланадиган меҳнат таътили кафолатланади.

28-модда

1. Уй-жой дахлсиздир. Суд қарорисиз, уй-жойдан маҳрум этишга йўл қўйилмайди. Уй-жойга кириш, уни текшириш ва тинтув фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.
2. Қозоғистон Республикасида фуқароларни уй-жой билан таъминлаш учун шароитлар яратилади. Қонунда белгиланган бошланги маҳрум этилган шахслар, сайловлар ва референдумларда иштирок эта олмайди. Қозоғистон Республикаси фуқаролари, суд томонидан ҳуқуқий жиҳатдан қобилиятсиз деб топишганлар, қонуний тартибда жазоси тугатилмаган ёки бекор қилинмаган суд жазосига эга бўлганлар, шунингдек, қонунга мувофиқ суд томонидан уюшган жиноятчилик ёки унинг доирасидаги ҳуқуқбузарликда айбдор деб топишганлар, сайланиш ҳуқуқига эга эмас.
4. Фуқаролар давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматчисига қўйиладиган талаблар фақат лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

29-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқароларининг хусусий мулкда қонуний олган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин.
2. Мулк ва меросхўрлик ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.
3. Суд қарорисиз ҳеч ким ўз мулкидан маҳрум этилмайди. Фақат қонунда қўзда тутилган алоҳида ҳолларда давлат эҳтиёжлари учун мулкни мажбурий мусодара қилиш тенг қийматда унинг ўрнини тўлдириш билан амалга оширилиши мумкин.
4. Қозоғистон Республикаси тадбиркорлик эркинлигини, мулкдан ҳар қандай қонуний фаолиятда фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Монополистик фаолият қонун билан тартибга солинади ёки чекланади. Адолатсиз рақобат тақиқланади.

30-модда

1. Оила ва никоҳ, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида.
2. Никоҳ – эркак ва аёлнинг қонунга мувофиқ давлатда рўйхатдан ўтказилган эркин ва тенг ҳуқуқли иттифоқидир.
3. Болаларга гамхўрлик қилиш ва тарбия бериш ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади.
4. Вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарга гамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

31-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқаролари учун иш ҳақи ва пенсиянинг энг кам миқдори кафолатланади. Шунингдек, кексалик, касаллик, ногиронлик, боқувчисидан айрилиш ва

қонунда белгиланган бошқа ҳолларга қўра ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

2. Қозоғистон Республикасида кўнгилли ижтимоий сўғурта, ижтимоий таъминотнинг бошқа шакллари ва хайр-эхсон қўллаб-қувватланади.

32-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эгадир.
2. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир.
3. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида, шунингдек, хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи шахслардан пуллик хизматлар олиш қонунга мувофиқ амалга оширилади.

33-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқаролари давлат таълим муассасаларида бошлангич ва ўрта маълумот олиш ҳуқуқига эгадир. Бошлангич ва асосий таълим мажбурий ҳисобланади.
2. Фуқаролар қонунга мувофиқ танлов асосида давлат олий таълим муассасаларида олий маълумот олиш ҳуқуқига эгадир.
3. Хусусий таълим муассасаларида пуллик таълим қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилади.
4. Давлат таълимнинг умуммажбурий андазаларини белгилайди. Барча таълим муассасалари ушбу андазаларга мувофиқ фаолият юритиш шарт.
5. Қозоғистон Республикасида таълим ва тарбия тизими дунёвий хусусиятга эга, диний таълим муассасалари бундан мустасно.

34-модда

Қозоғистон Республикаси фуқаролари тинч йиғинлар, митинглар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ қонунда белгиланган ҳолларда – конституциявий тузум асосларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, жамоат тартиби, аҳоли соғлиги ва маънавиятини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

35-модда

1. Қозоғистон Республикаси фуқаролари давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, давлат тузилмаларига шахсан ёки жамоавий мурожаатлар йўллаш ҳуқуқига эгадир.
2. Фуқаролар давлат тузилмалари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига сайлаш ва сайланиш, шунингдек, умумхалқ референдумларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.
3. Суд томонидан ҳуқуқий жиҳатдан қобилиятсиз деб топишганлар, қонуний тартибда жазоси тугатилмаган ёки бекор қилинмаган суд жазосига эга бўлганлар, шунингдек, қонунга мувофиқ суд томонидан уюшган жиноятчилик ёки унинг доирасидаги ҳуқуқбузарликда айбдор деб топишганлар, сайланиш ҳуқуқига эга эмас.
4. Фуқаролар давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматчисига қўйиладиган талаблар фақат лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

36-модда

1. Ҳар бир инсон Қозоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.
2. Давлат раҳбарларини ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.
3. Қозоғистон Республикаси фуқаролари табии асраб-авайлаш, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир.
Давлатнинг мақсади – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги учун қулай шароитларни таъминлашдир.
Мансабдор шахслар томонидан инсонлар ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳит учун таҳдид соладиган ҳодиса ва ҳолатларни яшириш қонунга мувофиқ жавобгарликка олиб қолади.

37-модда

Қозоғистон Республикаси фуқаролари табиати асраб-авайлаш, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир.
Давлатнинг мақсади – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги учун қулай шароитларни таъминлашдир.
Мансабдор шахслар томонидан инсонлар ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳит учун таҳдид соладиган ҳодиса ва ҳолатларни яшириш қонунга мувофиқ жавобгарликка олиб қолади.

38-модда

Қонунда белгиланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тў-

ловларни тўлаш ҳар бир инсоннинг бурчи ва вазифасидир.

39-модда

1. Қозоғистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва вазифасидир.
2. Қозоғистон Республикаси фуқаролари қонунда белгиланган тартиб ва шаклларда ҳарбий хизматни ўтайдилар.

40-модда

Тарихий ва маданий меросни асраш, тарих ва маданий ёдгорликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш Қозоғистон Республикаси фуқароларининг бурчидир.

41-модда

1. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари фақат қонун билан, конституциявий тузум асосларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг соғлигини ҳамда жамият маънавиятини муҳофаза қилиш мақсадида зарур бўлган даражада чекланиши мумкин.
2. Миллатлараро ва динлараро тотувликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар Конституцияга зид деб эътироф этилади.
3. Сиёсий сабабларга қўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай шаклда чеклашга йўл қўйилмайди. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 12, 14, 16, 17, 20, 22, 25-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар қандай шароитда чекланиши мумкин эмас.

III БЎЛИМ ПРЕЗИДЕНТ

42-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Президенти – давлат раҳбари, давлат бўлиб олий мансабдор шахси бўлиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ҳамда мамлакат ичка-рисиди ва халқаро муносабатларда Қозоғистон Республикаси номидан иш куради.

2. Президенти – халқ бйлиги ҳамда давлат ҳокимиятининг, Конституциянинг дахлсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг рами ва кафолати.

3. Қозоғистон Республикаси Президенти давлат ҳокимияти барча тармоқларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва тўқисиз фаолиятини, давлат ҳокимияти тузилмаларининг ягона Қозоғистон халқи олдидаги масъулиятини таъминлайди.

43-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Президенти конституциявий қонунга мувофиқ, Қозоғистон Республикаси вояга етган фуқаролари томонидан умумий, тенг ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Бир шахс Конституцияга мувофиқ Қозоғистон Республикасининг Президенти этиб бир мартадан ортқ сайланиши мумкин эмас.

2. Қозоғистон Республикасининг Президенти этиб тутилганидан Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган, кирк ёшдан ошган, давлат тилини эркин биладиган, сўнгги ўн беш йил давомида Қозоғистон ҳудудида доимий яшаш, олий маълумотга эга ҳамда давлат хизматига ёки сайланган давлат лавозимларида камда беш йил иш тажрибасига эга бўлган шахс сайланиши мумкин.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловлари унинг ваколатлари муддати тугашидан икки ой аввал ўтказилади ҳамда Қозоғистон Республикаси Қурулто-йининг янги таркибини сайлаш билан бир вақтга тўғри келмаслиги керак.

4. Сайловчилар овозларининг эллик фоизидан ортигини олган номзод сайланиди, деб ҳисобланади. Агар ҳеч бир номзод эллик фоиздан ортқ овоз ололмаса, энг кўп овоз тўплаган икки номзод иштирокида қайта сайлов ўтказилади. Сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган номзод сайланиди, деб ҳисобланади.

5. Ушбу модданинг биринчи қисми қондалари ўзгартирилмас ҳисобланади.

44-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти қуйидаги қасамдани халқ олдида қабул қилган пайдан эътиборан ўз лавозимига киришади:

■ (Давоми 2-3-бетларда). ➤

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Қозоғистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлариға қатъий риоя этишга, Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида юксак олий масъулиятли вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамд қиламан».

2. Қасамдд сайлов натижалари расман эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Қозоғистон Республикаси Қурултойи депутатлари, Конституциявий Суд ва Олий Суд судьялари, собиқ президентлар, шунингдек, жамоатчилик ва тақлиф этилган хорижий фуқаролар иштирокида қабул қилинади. Конституциянинг 51-моддасида назарда тутилган ҳолатда эса, Президент ваколатларини вақтинча қабул қилган шахс қасамдэни ўзининг лавозимидан ихтиёрий равишда истеъфога чиқishi, соғлиги туфайли вазифаларини барқарор бажара олмаслиги ёки Президент лавозимидан озод қилиниши ҳамда Президентнинг вафоти муносабати билан лавозимини қабул қилган кундан эътиборан етти кун ичида олд этади.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг ваколатлари янги сайланган Президент лавозимига киришган пайтдан бошлаб тугатилади, шунингдек, ихтиёрий истеъфо, соғлиги туфайли вазифаларини барқарор бажара олмаслиқ, лавозимидан четлатилиш ёки вафот этиши ҳолларида ҳам тугатилади. Барча собиқ Президентларга, фақат лавозимидан четлатилганлардан ташқари, Қозоғистон Республикаси экс-Президенти унвони берилади.

45-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти вакиллик тузилмаларига депутат этиб сайланадига, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларини эгаллашга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳақли эмас.

2. Ўз ваколатларини амалга ошириш даврида Қозоғистон Республикаси Президенти сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3. Қозоғистон Республикаси Президентининг яқин қариндошлари сиёсий давлат хизматчилари, шунингдек, квазидавлат шўъба субъектлари раҳбарлари лавозимларини эгаллашга ҳақли эмас.

46-модда

Қозоғистон Республикаси Президенти:

1) мамлакатдаги вазият ва Қозоғистон Республикасининг ички ҳамда ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида Қозоғистон халқига Мактуб йўллайди;

2) Қурултой депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан берилган розилиги асосида Президент Қозоғистон Республикаси Бош вазирини лавозимига тайинллайди, уни лавозимидан озод қилади ва ваколатларини белгилайди. Агар Президентнинг тақлифи Қурултой томонидан такорран рад этилса, Конституциянинг 62-моддаси, 3-бандида қўзланган ҳолатлардан ташқари, у Қурултойни тарқатиши мумкин.

3) Қозоғистон Республикаси Қурултойининг навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларини тайинллайди; биринчи сессияни чақириб, депутатларнинг Қозоғистон халқига берадиган қасамдэдини қабул қилади; навбатдан ташқари сессияни ҳам чақирishi мумкин; Қурултой томонидан тақдим этилган қонунни бир ой ичида имзолайди ёки қайта муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун қайтариши мумкин;

4) Қозоғистон Республикаси Президенти, Қурултойда вакиллик қилувчи сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашгандан сўнг, Қурултойнинг розилигини олиш учун Қозоғистон Республикаси Бош вазирини номзодини тасвия қилади; Қурултой депутатларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан берилган розилиги асосида Бош вазир лавозимига тайинллайди; Бош вазирни лавозимидан озод қилади; Бош вазир тақлифига кўра, Ҳукумат тарикибини белгилайди; Бош вазир Қурултой билан маслаҳатлашгандан сўнг киритилган тақлифлари асосида Ҳукумат аъзоларини лавозимга тайинллайди; ташқи ишлар, мудофаа ва ички ишлар вазирлари лавозимларига мустақил равишда тайинллайди; Ҳукумат аъзоларини лавозимдан озод қилади; Ҳукумат аъзолари қасамдэдини қабул қилади; алоҳида муҳим масалалар юзасидан Ҳукумат мажлисларида раислик қилади.

Қозоғистон Республикаси Президенти, Конституция 62-моддасининг 3-бандида қўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, Бош вазир лавозимига тайинллаш тақлифи такорран рад этилган тақдирда, Қурултойни тарқатиш ҳуқуқига эга.

5) Конституциявий суд раиси, Олий суд раиси, Миллий банк раиси, Бош прокурор, Миллий хавфсизлик қўмитаси раиси, Марказий сайлов комиссияси раиси, Олий аудит палатаси раиси, Олий судьялар кенгаши раиси, Давлат муҳофазаси хизмати бошлиғи ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини лавозимга тайинллайди ва озод этади;

6) Президентга бевосита бўйсунувчи ва ҳисобот берувчи давлат идораларини ташкил этади, тугатади ва қайта ташкил қилади, раҳбарларини лавозимга тайинллайди ва озод этади;

7) Дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини лавозимга тайинллайди ва чақириб олади;

8) Президент Қозоғистон Республикаси Қурултойнинг розилиги билан, у ўз депутатларининг умумий сонидан кўпчилик овоз билан билдирган розилик асосида, қуйдагиларни тайинлайди:

Конституциявий суднинг ўн нафар судьясини, мuddати – саккиз йил; Марказий сайлов комиссиясининг олти аъзосини, мuddати – беш йил;

Олий аудит палатасининг саккиз аъзосини, мuddати – беш йил.

Шу билан бирга, Президент уларни лавозимларидан озод қилади.

Агар Қурултой Конституциявий суд судьялари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ёки Олий аудит палатаси аъзоларини тайинлаш тақлифини такорран рад этса, Президент Қурултойни тарқатиш ҳуқуқига эга. Бу қоидалар 62-модданинг 3-бандида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари барча вазиятларга тааллуқли.

9) Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонлик таркибини тайинллайди ва озод этади;

10) Умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

11) Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мақсадига Конституциянинг 93-моддасида кўрсатилган ҳолларда қонунларни кўриб чиқиш ва ҳулоса бериш учун Конституциявий судга мурожаат қилади;

12) Халқаро шартномалар бўйича музокаралар олиб боради, имзолайди, ратификация

ёрлиқларини имзолайди, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг ишонч ва қақириб олиш ёрлиқларини қабул қилади;

13) Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларни таъсис этади;

14) Давлат мукофотлари билан тақдирлайди, фахрий унвонлар, олий ҳарбий унвонлар, рутбалар ва малака тоифаларини беради;

15) Фуқаролиги ва сиёсий бошлана бериш масалаларини ҳал қилади;

16) Афв этишни амалга оширади;

17) Агар Қозоғистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, ички сиёсий барқарорлиги, фуқароларининг хавфсизлиги бевосита таҳдид остида бўлса ва бу давлат конституциявий органларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатса, Президент Қозоғистон Республикаси Бош вазир ва Қурултой раиси билан расмий маслаҳатлардан сўнг, мазкур вазият талаб қиладиган чора-тадбирларни кўллайди.

Бу чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Республика ҳудудининг барча ёки айрим жойларида фавқулодда вазият жорий этиш;

Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучларини кўллаш.

18) Агар Қозоғистон Республикасига қарши таъовузкорлик содир этилса ёки унинг хавфсизлигига бевосита ташқи таҳдид юзага келса, Қозоғистон Республикаси ҳудудининг барча ёки муайян жойларида ҳарбий ҳолат эълон қилади, қисман ёки умумий сафарбарликка чиқishi тартибга солади ва бу ҳақда дарҳол Қурултойни хабардор қилади.

19) Ўзига бўйсунувчи Давлат муҳофазаси хизматиини ташкил этади;

20) Президент Маъмуриятини шакллантиради;

21) Хавфсизлик кенгаши ва бошқа маспахат тузилмаларини, шунингдек, Олий судьялар кенгашини ташкил этади;

22) Конституция ва қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

47-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунлар асосида, уларни амалга ошириш мақсадига, Қозоғистон Республикасининг барча ҳудудлариде мажбурий кучга эга фармон ва қарорлар чиқаради.

2. Қурултой ваколатлари мuddатидан аввал тугатилиши муносабати билан унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган даврда Қозоғистон Республикаси Президенти конституциявий қонунлар ёки қонунлар кучига эга бўлган фармонлар қабул қилади.

3. Қонунлар Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан имзолаанишидан аввал Қурултой раиси ва Бош вазирнинг имзолари билан тасдиқланади, улар ушбу қонунларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Қозоғистон Республикаси Президентининг Ҳукумат ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатлари Бош вазирнинг имзоси билан тасдиқланади ва у мазкур ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги учун масъул ҳисобланади.

48-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президентининг шахси, унинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Президент ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида содир этган ҳаракатлари учун жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилмайди, давлатга хиёнат қилиш ҳоллари мустасно.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти ва унинг оила аъзоларининг таъминоти, хизмат курсатиши ҳамда муҳофазаси давлат ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ушбу модданинг қоидалари Қозоғистон Республикаси собиқ Президентларига ҳам татбиқ этилади.

49-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти ўринбосари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Қурултой депутатларининг кўпчилик овози билан лавозимга тайинланади.

2. Президент ўринбосари ўз ваколатларини амалга ошириш даврида вакиллик тузилмасига депутат этиб сайланиши, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларини эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳамда сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қозоғистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ, ўринбосар Президент номидан Қурултой, Ҳукумат ва бошқа давлат органлари билан алоқаларда иштирок этади ҳамда Президент томонидан белгиланган бошқа ваколатларини ҳам амалга оширади.

50-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Қозоғистон Республикаси Конституциявий судига ариза бериш орқали ихтиёрий равишда истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга. Конституциявий суд Президентнинг истеъфо тўғрисидаги аризаси шахсан ва ихтиёрий тарзда берилганини тасдиқлайди. Ҳулосаси берилган пайтдан эътиборан Президент ихтиёрий истеъфога муносабати билан лавозимидан озод этилган ҳисобланади.

2. Президент ботоблиги туфайли ўз ваколатларини узок мuddат давомида бажара олмаган тақдирда мuddатидан олдин лавозимдан озод қилиниши мумкин. Бундай ҳолда Қурултой депутатлар ҳамда тегишли тиббиёт соҳалари мутахассисларидан иборат комиссия тузади. Мuddатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги қарор комиссия ҳулосаси ва Конституциявий суднинг белгиланган конституциявий тартибга риоя этилганлиги ҳақидаги ҳулосаси асосида Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида тўртдан уч қисми овози билан қабул қилинади.

3. Президент ўз ваколатларини амалга ошириш даврида содир этган ҳаракатлари учун фақат давлатга хиёнат қилган тақдирдагина жавобгардир ва шу асосда Қурултой томонидан лавозимдан четлатилиши мумкин. Давлатга хиёнат қилгани айбланган тақдирда, айблов ташаббусини Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида учдан бир қисми кирита олади. Қабул қилинган қарор депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан тасдиқланади. Айблов юзасидан тергов Қурултой томонидан ташкил этилади ва натижалари Қурултой йиғилиши кун тартибига киритилади. Якуний қарор Олий суд ва Конституциявий суд ҳулосаси билан тасдиқлана, Қурултой депутатларининг умумий сонидан камида тўртдан уч қисми овози билан қабул қилинади. Айблов қўйилган кундан эътиборан икки ой мобайнида якуний қарор қабул қилинмаса, айблов рад этилган, деб ҳисобланади. Айблов исталган босқичда рад этилган тақдирда, мазкур масалани кўтарган депутатларнинг ваколати мuddатидан олдин тугатилади.

4. Қурултой ваколатларини мuddатидан олдин тугатиш масаласини кўриб чиқаётган даврда Президентни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин эмас.

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

51-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти ихтиёрий равишда истеъфога чиқса, ботоблиги туфайли ўз ваколатларини бажара олмаса ёки лавозимидан четлатилса, шунингдек, вафот этган тақдирда унинг ваколатлари Қозоғистон Республикаси Президенти ўринбосарига ўтади; агар Президент ўринбосари ботоблиги ёки бошқа шахсий сабабларга кўра Президент ваколатларини қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмаса, Президент ваколатлари Қозоғистон Республикаси Қурултойи Раисига ўтади; Қурултой Раиси ҳам мазкур ваколатларни қабул қилиб олиш имкониятга эга бўлмаса, Президент ваколатлари Қозоғистон Республикаси Бош вазирига ўтади. Президент ваколатларини қабул қилишни рад этган шахс бу ҳақда Қозоғистон Республикаси Конституциявий судига ариза беради. Конституциявий суд ушбу аризанинг шахсан ва ихтиёрий равишда берилганини тасдиқлайди ҳамда тегишли ҳулоса чиқаради. Президент ваколатларини қабул қилган шахс ўз навбатида Президент ўринбосари, Қурултой Раиси ёки Бош вазир ваколатларидан воз кечади. Бу ҳолда бўшаб қолган давлат лавозимлари Конституцияда белгиланган тартибда тўйдирилади.

2. Қозоғистон Республикаси Президентининг лавозимидан ихтиёрий истеъфо, соғлиги туфайли вазифаларини бажара олмаслиқ, лавозимидан четлатилиши ёки вафот этиши муносабати билан мuddатидан олдин озод этилгандан сўнг етти кун ичида Қурултой Президент сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сайловлар Қурултойнинг тегишли қарор қабул қилган кундан эътиборан икки ой ичида ўтказилади.

Президент ваколатларини вақтинча ўз зиммасига олган шахс ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ Қозоғистон Республикаси Конституциясига ўзгариштиш ва қўшимчалар киритиш ташаббусини кўтаришга ҳамда Қурултойни тарқатиб юборишга ҳақли эмас.

IV БЎЛИМ ҚУРУЛТОЙ 52-модда

1. Қозоғистон Республикаси Қурултойи – Қозоғистон Республикасининг қонун чикарувчи вазифасини амалга оширувчи олий вакиллик тузилмасидир.

2. Қурултой ваколатлари унинг биринчи сессияси очилган пайтдан бошланади ва янги қақирқ Қурултойнинг биринчи сессияси бошланиши билан тугайди.

3. Қурултой ваколатлари Конституцияда белгиланган ҳолатлар ва тартибда мuddатидан олдин тугатилиши мумкин.

4. Қурултойнинг ташкил этилиши ва фаолияти, унинг депутатларининг ҳуқуқий мақоми конституциявий қонун билан белгиланади.

53-модда

1. Қурултой конституциявий қонунда белгиланган тартибда, ягона умуммиллий сайлов округи ҳудуди бўйича мутаносиб вакиллик тизими асосида сайланадиган 145 нафар депутатдан иборат бўлади.

2. Қурултой депутатларининг ваколат мuddати – беш йил.

54-модда

1. Қурултой депутатлари барча учун ягона, тенг ва бевосита сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Депутатларнинг навбатдаги сайлови амалдаги Қурултойнинг ваколат мuddати тугашидан камида икки ой олдин кечиктирилмай ўтказилиши керак.

2. Қурултой депутатларининг навбатдан ташқари сайлови Қурултойнинг ваколат мuddатидан аввал тугатилган кундан бошлаб икки ой ичида ўтказилади.

3. Игирима беш йшга тўлган, Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган ва сўнгги ўн йил мобайнида унинг ҳудудида доимий яшган шахс Қурултой депутати этиб сайланиши мумкин.

4. Қурултой депутатлари сайлови конституциявий қонун билан тартибга солинади.

5. Қурултой депутатлари Қозоғистон халқига қасамд қилади.

55-модда

1. Қурултой депутатлари унинг фаолиятида иштирок этиши шарт. Қурултойда овоз бериш депутат томонидан шахсан амалга оширилади. Узрли сабабсиз Қурултой ва унинг тузилмалари мажлисларида уч мартадан ортиқ қатнамаслиқ, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқини бошқа шахсга топшириш қонун билан белгиланган жазо чоралари қўлланишга олиб келади.

2. Қурултой депутати бошқа вакиллик тузилмасининг депутати бўлишга, ўқитувчилик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларини эгаллашга, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга, тижорат ташкилотларининг раҳбар идораси ёки кузатув кенгаши аъзоси бўлишга ҳақли эмас. Ушбу талабларга риоя қилмаслиқ депутатлик ваколатлари тўхтатилишига олиб келади.

3. Қурултой депутати ўз ваколат мuddати давомида жиноят содир этилаётган жойда ёки огир ва ўта огир жиноятларда айбланиб қўлга олиниш ҳолатларидан ташқари, Қурултой розилигисиз ҳибсга олиниши, судга қақирилиши, маъмурий жазо ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

4. Қурултой депутати ваколатлари унинг истеъфога чиқishi, вафоти, суднинг қонуний қучга кирган қарори билан муомалага лаёқатсиз, вафот этган ёки бедарак йўқолган деб топилиши, шунингдек, Конституция ва конституциявий қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда тугатилади.

Қурултой депутати қуйидаги ҳолларда ўз мандатидан маҳрум этилади:

1) Қозоғистон ҳудудидан ташқарида доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

2) Унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний қучга кирганда;

3) Қозоғистон Республикаси фуқаролиги бекор қилинганда;

4) Сайланган сиёсий партия сафидан чиққан ёки ундан чиқарилган тақдирда;

5) Депутат сайланган сиёсий партия фаолияти тугатилганда.

Қурултой тарқатиб юборилган ҳолатда барча депутатларнинг ваколатлари тугайди. 5. Депутатларга нисбатан интизомий чоралар қўллаш, мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя этилишини таъминлаш, депутатлик одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши, шунингдек депутат ваколатларини тугатиш ва дахлсизликдан маҳрум этиш масалаларини таъйёрлаш Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

56-модда

Қурултой:

1) Конституциявий қонунлар ва қонунларни қабул қилади;

2) Президент эътироз билдирган қонун ёки унинг моддаларини бир ой мuddат ичида қайта муҳокама қилади ва овозга қўяди. Бу мuddатга риоя қилинмаса, Президент эътирозларининг қабул қилинганини англайди, яъни қонун ўз қучини йўқотмайди ва қабул қилинган ҳисобланади. Агар Қурултой конституциявий қонун ёки унинг моддалари бўйича депутатлар умумий сонининг тўртдан уч қисми, қонун ёки унинг моддалари бўйича эса учдан икки қисми овози билан Президент эътирозларини энгиб ўтса, Президент бир ой ичида қонунни имзолайди. Агар эътирозлар энгиб ўтилмаса, қонун қабул қилинмаган деб ҳисобланади ёки Президент тақлиф этган тақдирда қабул қилинади;

3) Уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилади;

4) Президент тақлифига мувофиқ Қозоғистон Қуруллой Кучларидан халқаро тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлашда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

5) Президент сайловларини эълон қилади;

6) Умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илгари суради;

7) Қурултой депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан Президентга Президент ўринбосарини тайинлашга розилик беради;

8) Бош вазирни тайинлашга розилик беради;

9) Конституциявий суд судьялари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Олий аудит палатаси аъзоларини тайинлашга розилик беради;

10) Олий суд судьяларини сайлайди ва лавозимидан озод қилади, уларнинг қасамдэдини қабул қилади;

11) Конституциявий суд ва Олий суд судьяларини дахлсизликдан маҳрум қилади;

12) Қурултой депутатлари ваколатини тугатадн ҳамда Бош прокурорнинг тавсиясига кўра, депутати дахлсизликдан маҳрум қилиш масаласини хал қилади;

13) Депутатлар умумий сонининг камида бешдан бир қисмининг ташаббуси билан Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдириши мумкин;

14) Конституциявий суднинг йиллик ҳисоботини тинглайди;

15) Олий аудит палатаси раиси ҳисоботини қилига икки марта тинглайди;

16) Республика бюджети ижроси бўйича Ҳукумат ва Олий аудит палатаси ҳисоботларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

17) Депутатлар умумий сонининг камида учдан бир қисми ташаббуси билан Ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқига эга;

18) Ўз ваколатлари доирасида парламент тингловларини ўтказида;

19) Ўз фаолияти регламентини ва ички тартибга оид бошқа қарорларни қабул қилади;

20) Қурултойнинг мувофиқлаштирувчи ва ишчи тузилмаларини шакллантиради;

21) Комиссиялар тузади, уларнинг раисларини сайлайди ва озод қилади;

22) Конституция доирасида юклатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

57-модда

1. Қурултойга давлат тилини эркин билувчи депутатлар орасидан сайланадиган Раис раҳбарлик қилади. Қурултой Раиси номзоди Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилади ва Қурултой депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан яширин о

КОНСТИТУЦИЯСИ

4. Хукуматнинг ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолият тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

64-модда

1. Хукумат Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Конституцияда белгиланган тартибда шакллантирилади.

2. Хукумат таркиби ва тузилишига оид тақлифлар Бош вазир тайинланганидан сўнг ўн кун ичида Президентга тақдим этилади.

3. Хукумат аъзолари халқ ва Қозоғистон Республикаси Президенти олдида қасамёд қабул қилади.

65-модда

Қозоғистон Республикаси Хукумати:

1) Давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати асосий йўналишларини, мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини ва жамиятда тартибни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг ижросини таъминлайди;

2) Қурултойга республика бюджетни ва унинг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади, бюджет ижросини таъминлайди;

3) Қурултойга қонун лойиҳаларини киритади ва қонунларнинг ижросини таъминлайди;

4) Давлат мулкини бошқаришни ташкил қилади;

5) Қозоғистон Республикаси ташқи сиёсати юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

6) Вазирликлар ва бошқа марказий ҳамда маҳаллий ижроия органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Вазирликлар ва бошқа марказий ҳамда маҳаллий ижроия идораларининг ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман бекор қилади ёки амал қилишини вақтинча тўхтатади;

8) Қозоғистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган органлар ҳодимлари учун ягона молиялаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тасдиқлайди;

9) Конституция, қонунлар ва Президент фармонлари билан зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

66-модда

Қозоғистон Республикаси

Бош вазир:

1) Хукумат фаолиятини ташкил қилади ва унга раҳбарлик қилади, унинг иши учун шахсан масъулдир;

2) Хукуматнинг қарорларини имзолайди;

3) Президент ва Қурултойга Хукумат фаолиятининг асосий йўналишлари ва муҳим қарорлари тўғрисида ҳисобот беради;

4) Хукумат фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга доир бошқа вазифаларни бажаради.

67-модда

1. Хукумат аъзолари ўз ваколати доирасида мустақил қарор қабул қилади ва тасаруфидаги давлат тузилмалари фаолияти ичун Бош вазир олдида шахсан жавобгар ҳисобланади. Агар Хукумат олий бораётган сиёсатни қўллаб-қувватламаса, унинг аъзоси истеъфо бериши керак ёки лавозимидан озод этилиши лозим.

2. Хукумат аъзолари қонун чиқарувчи орган депутати бўлиши, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас. Улар фақат педагогик, илмий ёки ижодий фаолият билан шугулланиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш, тижорат ташкилотларининг бошқарув ёки назорат органларига аъзо бўлиш тақиқланади, Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бу уларнинг хизмат вазифаларига қирадиган ҳоллар мустасно.

68-модда

1. Қозоғистон Республикаси Хукумати ўз ваколатлари доирасида Республика ҳудудида мажбурий кучга эга қарорлар қабул қилади.

2. Қозоғистон Республикаси Бош вазири Республика ҳудудида мажбурий кучга эга қарорлар қабул қилади.

3. Хукумат ва Бош вазир қарорлари Конституцияга, қонуларга ва Қозоғистон Республикаси Президентининг фармонларига зид бўлиши мумкин эмас.

69-модда

1. Хукумат ваколатларини янги сайланган Қурултой олдида топиради.

2. Хукумат ёки унинг ҳар бир аъзоси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш имкони йўқ, деб ҳисобласа, Президентга истеъфо аризасини топириши ҳуқуқига эга.

3. Қурултой Хукуматга ишонсизлик билдирса, Хукумат Президентга истеъфо аризасини тақдим этади.

4. Президент истеъфо аризасини қабул қилиш ёки рад этиш масаласини ўн кун ичида кўриб чиқади.

5. Истеъфо қабул қилинган тақдирда Хукумат ёки тегишли аъзонинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади. Бош вазирнинг истеъфоси қабул қилинса, бутун Хукуматнинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади.

6. Хукумат ёки унинг аъзосининг истеъфоси рад этилса, Президент уларга вазифаларини давом эттиришни топиради.

7. Президент ўз ташаббуси билан Хукумат ваколатларини тугатиш ва унинг аъзоларини лавозимдан озод этиш ҳуқуқига эга. Бош вазир лавозимдан озод этилса, бутун Хукуматнинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади.

VI БЎЛИМ

Қозоғистон Халқ Кенгаши

70-модда

1. Қозоғистон Халқ Кенгаши – Қозоғистон Республикаси халқи манфаатларини ифода этувчи олий маслаҳат органи.

2. Қозоғистон Халқ Кенгаши таркиби Қозоғистон Республикаси фуқаролари орасидан шакллантирилади.

3. Қозоғистон Халқ Кенгашини тузиш, таркибини шакллантириш, ваколатлари ва фаолияти тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

71-модда

Қозоғистон Халқ Кенгаши:

1) давлат ички сиёсатининг асосий йўналишлари жамоат тотувлиги, умуммиллий бирлик ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш ва давлат фаолияти тамойиллари ва умуммиллий қадриятларни ривожлантириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;

2) Қурултойга қонун лойиҳаларини киритади;

3) Умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илғари суради;

4) Конституциявий қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

VII БЎЛИМ

Конституциявий суд

72-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Конституциявий суди – конституциявий назоратни амалга оширадиган ҳамда мамлакат ҳудудида Қозоғистон Республикаси Конституциясининг устуворлигини таъминлайдиган мустақил давлат тузилмасидир.

2. Конституциявий Суд раис ва ўн нафар

судьядан иборат бўлиб, унинг ваколат муддати 8 йил. Бир шахс Конституциявий Суд судьяси лавозимига бир мартадан ортққ тайинланиши мумкин эмас.

3. Конституциявий Суд раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва бир вақтнинг ўзида ваколат муддати давомида Конституциявий Суд судьяси ҳисобланади. Бир шахс Конституциявий Суд раиси лавозимига бир мартадан ортққ тайинланиши мумкин эмас.

4. Конституциявий суд судьялари Қурултой розилиги асосида Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Конституциявий Суд раиси тақлифга кўра, Конституциявий Суд раиси ўринбосари Конституциявий Суд судьялари орасидан Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

5. Конституциявий Суд судьяси депутат бўлиши, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллаши (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари), тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши, тижорат ташкилоти бошқаруви ёки назорат кенгашига аъзо бўлиши мумкин эмас.

6. Конституциявий Суд раиси ва судьялари ўз ваколат муддати даврида, фақат жиноят устида ушланган ёки оғир ва ўта оғир жиноят содир этган ҳолатлардан ташқари, ҳибсга олинмайди, қамалмайди, суд орқали жазога тортилмайди, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

7. Конституциявий Суднинг ташкил этилиши ва фаолияти конституциявий қонун билан тартибга солинади.

73-модда

1.Конституциявий Суд Президент, Қурултой раиси, депутатлар умумий сонининг камида бешдан бир қисми ёки Бош вазир мурожаатига кўра:

1) Президент сйллови, Қурултой сайлови ва референдум ўтказилиши юзасидан келиб чиққан баҳсларни ҳал қилади;

2) Қурултой қабул қилган, Президент имзолаши лозим бўлган қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қурултой қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

4) Халқаро шартномаларни ратификация қилишдан олдин уларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

5) Халқаро ташкилотлар ва улар органлари қарорларини бажаришининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

6) Конституцияга меъёрларига расмий тушунтириш беради;

7) 50 ва 51-моддаларда назарда тутилган ҳолатларда ҳулоса беради.

2. Конституциявий Суд Президентнинг мурожаатларини 46-модда, 11-тағбандида кўрсатилган ҳолатлар, шунингдек, судлар мурожаатларини 79-моддада назарда тутилган ҳолатларда кўриб чиқади.

3. Конституциявий Суд Қозоғистон Республикаси фуқаролари мурожаатлари асосида, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита даҳл этувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди. Фуқароларнинг Конституциявий Судга мурожаат қилиш тартиби ва шартлари конституциявий қонун билан белгиланади.

4. Конституциявий Суд Қозоғистон Республикаси Бош прокурори мурожаатига кўра, 1-банд, 1-тағбандида назарда тутилган 4), 5) ва 6) бандлар ҳамда Қозоғистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг Консти-туцияга мувофиқлигини аниқлайди.

5. Конституциявий Суд Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мурожаатига кўра, Конституцияда қафолатланган инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига оид Қозоғистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

6. Конституциявий суд Конституциянинг 50-моддаси 1-банди ва 51-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда ҳулоса беради.

74-модда

1. Конституциянинг 73-моддаси 1-қисмининг 1-тағбандида белгиланган масалалар юзасидан Конституциявий Судга мурожаат қилинган тақдирда, Қозоғистон Республикаси Президентининг лавозимга киришиши, сайланган Қурултой депутатларини рўйхатга олиш ёки умумхалқ референдуми натижаларини эълон қилиш вақтинча тўхтатади.

2. Конституциянинг 73-моддаси 1-қисмининг 2 ва 4-тағбандларида белгиланган масалалар юзасидан Конституциявий Судга мурожаат қилинган тақдирда, тегишли ҳужжатларни имзолаш ёки ратификация қилиш вақтинча тўхтатади.

3. Конституциявий Суд қарорларини конституциявий қонунда белгиланган мuddатларда қабул қилади.

75-модда

1. Конституцияга мувофиқ эмас, деб топилган қонунлар ва халқаро шартномалар имзоланмайди, ратификация қилинмайди ва қонуний кучга киритилмайди.

2. Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг алоҳида моддалари, шу жумладан, Конституцияда белгиланган инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлган ҳолатларда, Конституциявий Суд қарор қабул қилган кундан ёҳуд қарорда белгиланган санадан бошлаб ўз кучини йўқотадига ва қўлланилмайди. Конституциявий Суд талқинига кўра, Конституцияга мувофиқ деб топилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шу талқинда қўлланилади.

3. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг тузилмалари қарорларининг алоҳида моддалари Конституциявий Суд томонидан Конституцияга мувофиқ эмас, деб топилса, улар бажарилмайди.

4. Конституциявий Суд қарорлари қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради, Қозоғистон Республикасининг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга, у яқиний ҳисобланади ва улар устидан шикоят қабул қилинмайди.

VIII БЎЛИМ

ОДИЛ СУДЛОВ. ПРОКУРАТУРА.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ДАСТАКЛАРИ

76-модда

1. Қозоғистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

2. Суд ҳокимияти фуқаролик, маъмурий, жиноий ва қонун билан белгиланган бошқа суд юритиш шакллари орқали амалга оширилади. Қонунда белгиланган ҳолларда жиноий ишлар ҳайъат иштирокида қўрилади.

3. Қозоғистон Республикасидаги судлар: Олий Суд, маҳаллий судлар ва қонун билан таъсис этилган бошқа судлардир.

4. Қозоғистон Республикаси суд тизими Конституция ва конституциявий қонун билан белгиланади. Махсус ёки фавқулодда судларни ташкил этишга йўн қўйилмайди.

77-модда

1. Суд ҳокимияти Қозоғистон Республикаси номидан амалга оширилади ва мақсади Қозоғистон фуқаролари ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, Конституция, қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро мажбуриятларнинг ижросини таъминлашдир.

2. Суд ҳокимияти Қозоғистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалардан келиб чиқадиган барча иш ва низоларга таъбиқ этилади.

3. Суд ҳўқмлари ва бошқа қарорлар Республика ҳудудида мажбурий кучга эгадир.

78-модда

1. Судья одил судловни амалга оширишда мустақил бўлиб, Конституция ва қонунга бўйсунлади.

2. Одил судловни амалга ошириш чоғида суд фаолиятига ҳар қандай аралашув қатъиян тақиқланади ва бу қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобот бერмайди.

3. Одил судловни амалга оширишда судья қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

1) ҳеч қимнинг қонун билан белгиланган суд муҳлати унинг розилигисиз ўзгартирилмайди;

2) ҳар бир шахс судда тингланши ҳуқуқига эга;

3) айбланувчи ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас;

4) шахснинг айбига доир барча шубҳалар айбланувчи фойдасига талқин этилади;

5) қонуний тартибда олинмаган далиллар қонуний кучга эга эмас; ҳеч қим фақат айбини тан олганига асосланиб судланмайди;

6) жиноий қонуннинг ўхшашлиги бўйича қўлланилишига йўл қўйилмайди.

4. Конституцияда белгиланган одил судлов тамойиллари Қозоғистон Республикаси судлари ва судьялари учун умумий ва ягона ҳисобланади.

79-модда

Судлар инсон ва фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига зид қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлламайди.

Агар суд қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қамситаятган, деб ҳисобласа, у иш юритишни тўхтатиб туриши ва ушбу ҳужжатни конституцияга зид деб топиш тўғрисида Конституциявий судга тақдимнома билан мурожаат қилиши шарт.

80-модда

1. Судлар доимий судьялардан ташкил топади. Уларнинг мустақиллиги Конституция ва қонун билан қафолатланади. Судья ваколатлари фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

2. Судьяни жиноят устида, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган жойда ушлаш ҳолатларидан ташқари ҳибсга олиш мумкин эмас. Шунингдек, судьяни қўлга олиш, мажбурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун Қозоғистон Республикаси Президентининг, Олий Суд Кенгаши ҳулосасига асосланган розилиги ёки Қурултой розилиги талаб қилинади.

3. Қозоғистон Республикаси судлари судьяларга қўйиладиган талаблар конституциявий қонун асосида белгиланади.

4. Судья ўз ваколати давомида депутатлик мандатига эга бўлиши мумкин эмас, шунингдек, педагогик, илмий ёки ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллай олмайди, тадбиркорлик билан шугулланмайди ва тижорат ташкилотининг раҳбарлик идораси ёки назорат кенгаши аъзоси бўла олмайди.

81-модда

Судларни молиялаштириш ва судьяларни уй-жой билан таъминлаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади ва одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкони таъминланиши шарт.

82-модда

Олий Суд фуқаролик, маъмурий, жиноий ва қонун билан белгиланган бошқа ишлар бўйича энг олий суд органидир. У маҳаллий ва бошқа судлар ваколатига кирувчи ишларни қонунда назарда тутилган тартибда кўриб чиқади ҳамда суд амалиёти юзасидан тушунтиришлар беради.

83-модда

1. Олий Суд раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Олий Судьялар Кенгаши тавсияси асосида тайинланади ва ваколат муддати давомида ҳам оддий судья сифатида Олий Судда фаолият юритади. Олий суд раиси ваколат муддати – олти йил. Бир шахс Конституцияга мувофиқ, Олий суд раиси лавозимига бир марта тайинланиши мумкин. Олий суд судьялари Қозоғистон Республикаси Президентининг Олий суд кенгаши тавсиясига асосланган тақдимига биноан Қурултой томонидан сайланади.

2. Маҳаллий ва бошқа судлар судьялари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан, Олий Судьялар Кенгаши тавсияси асосида тайинланади.

3. Судларда конституциявий қонунга мувофиқ суд ҳайъати тузилиши мумкин.

4. Олий Судьялар Кенгаши раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

5. Олий Судьялар Кенгашининг мақоми, таркибини шакллантириш тартиби ва фаолиятининг ташкилий тартиби қонун доирасида белгиланади.

84-модда

1. Прокуратура давлат номидан Қозоғистон Республикаси ҳудудида қонунийликни таъминлаш юзасидан олий назоратни амалга оширади, судда давлат манфаатларини ҳимоя қилади ва давлат номидан қонун билан белгиланган тартибда иш юритади.

2. Қозоғистон Республикаси прокуратураси ягона марказлашган тизимни ташкил этади. Унда қуйи даражадаги прокурорлар юқори турувчи прокурорлар ва Бош прокурорга бўйсинади. Прокуратура ўз ваколатини бошқа давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ҳамда фақат Қозоғистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

3. Бош прокурор Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Бош прокурор ваколат муддати – олти йил. Бир шахс Конституцияга мувофиқ Қозоғистон Республикаси Бош прокурори лавозимига бир мартадан ортққ тайинланиши мумкин эмас.

4. Бош прокурор ўз ваколати муддати давомида қамоққа олинмайди, фақат қотиллик ёки оғир ва жуда оғир жиноят содир этилган жойда ҳибсга олиш ҳолатлари бундан мустасно. Шу ҳолатлардан ташқари, уни ҳибсга олиш, мажбурий равишда судга олиб келиш, суд тартибига мувофиқ маъмурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш фақат Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

5. Прокуратуранинг ваколати, ташкил

этилиши ва фаолият тартиби конституциявий қонунда белгиланади.

85-модда

1. Қозоғистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил шахс инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга ёрдам беради ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришга кўмаклашади.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

3. Ваколатларини амалга оширар экан, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мустақилдир ва давлат тузилмалари ҳамда мансабдор шахсларга ҳисобдор эмас.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ваколати мuddати давомида қамоққа олинмайди, фақат қотиллик ёки оғир ва жуда оғир жиноят содир этилган жойда ҳибсга олиш ҳолатлари бундан мустасно. Шу ҳолатлардан ташқари, уни ҳибсга олиш, мажбурий равишда судга олиб келиш, суд тартибига мувофиқ маъмурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш фақат Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият тартиби конституциявий қонунда белгиланади.

86-модда

1. Қозоғистон Республикаси адвокатураси давлат томонидан қафолатланган инсон ҳуқуқларини, жумладан, судда ҳимоя

»» Алишер Навоий таваллудига – 585 йил

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида Қозоғистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси, “Жанубий Қозоғистон” ижтимоий-сиёсий газетаси ва Ж. Ташенев номидаги университети ташкилотчилигида ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишланган “Навоийхонлик – 2026” халқаро кўрик-танловининг якуний босқичи юксак савияда ўтди. Вилоят ва шаҳар босқичи ғолиблари ва Ўзбекистон Республикасидан ташириф буюрган иштирокчилар уч шарт – А. Навоий ғазалларини ифодали ёддан ўқиш, “Ҳамса” асари асосида саҳна кўринишини намойиш этиш ҳамда буюк мутафаккир ҳаёти ва ижоди бўйича саволларга жавоб бериш орқали ўз билим ва истеъдодларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъати раисаси PhD доктори Шахло Норалиева, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Ўзбекистондаги элчиси Хулкар Ҳамроева, Ж. Ташенев университетининг катта ўқитувчиси Озода Мусаева танлов иштирокчиларининг чиқишларини ҳолисона баҳолаб бордилар.

– Бугунги тадбир нафақат шарқнинг, балки бутун дунёга машҳур мутафаккир, шоир Мир Алишер Навоийнинг 585 йиллигига бағишланган. Халқаро танловнинг финал босқичига Туркистон вилояти, Шимкент шаҳри ўқувчиларидан ташқари Ўзбекистондан ҳам иштирокчилар қатнашмоқда. Умуман олганда, Алишер Навоий ўз ижоди билан бутун дунёга мурожаат қилган, десак муболага бўлмайди. Ёш авлод Абай, Навоий ҳикматларини ўқиб улғайса, албатта, бу маънавий камолотга хизмат қилади. Ҳозир икки қардош мамлакат – Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатлари янги босқичда. Ушбу тадбир ёш авлоднинг маданий ва маънавий юксалишига, икки қардош давлатнинг муносабатларига ижобий таъсир кўрсатишига ишончимиз комил, – деди Абдулла Исматуллаев.

Тадбирнинг очилиш маросимида иштирок этган “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги Оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров жумладан, шундай деди:

– Буюк мутафаккир, шоир Алишер

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ТААССУРОТЛАРИ



нишонлаётган “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев кўрик-танлов ғолиб ва совриндорларини сертификат, диплом, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. “Ватандошлар” жамоат жамғармаси вакиллари мактабларга китоблар, миллий либос-

Ёш авлод Абай, Навоий ҳикматларини ўқиб улғайса, албатта, бу маънавий камолотга хизмат қилади. Ҳозир икки қардош мамлакат – Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатлари янги босқичда. Ушбу тадбир ёш авлоднинг маданий ва маънавий юксалишига, икки қардош давлатнинг муносабатларига ижобий таъсир кўрсатишига ишончимиз комил.



шева), 2-ўрин Ҳамза номли 108-сонли мактаб ўқувчиси Зилола Абдураззоқова (ўқитувчиси – Нарғиза Йўлдошева), Муқимий номли 13-сонли мактаб ўқувчиси Жасмина Содиқова (ўқитувчиси – Фаррух Абдалиев) ва Тўлебий тумани Хонариқ мактаби ўқувчиси Гулёра Жаҳонгирова (ўқитувчиси – Зулфира Дўмбоқова)га насиб этди. 3-ўринни 111-сонли М. Маметова номли мактаб ўқувчиси Ҳусниябону Озодова (ўқитув-



чиси – Лобар Мирҳошимова), Сайрам туманидан Одина Эшимова (ўқитувчиси – Хурматой Қўчқорова), 89-сонли Қайнарбўлоқ мактаби ўқувчиси Нилуфар Алданурова (ўқитувчиси – Гурчеч-

това (ўқитувчиси – Гуллола Алимова) кўлга киритди.

Талабалар орасида бош совринга Ташенев университетининг 1-босқич талабаси Маржона Рафиқова (ўқитувчиси – Шахло Норалиева) сазовор бўлди. 1-ўрин Ўзбекистон Давлат миллий хореография академияси 4-босқич талабаси Жамшид Мирсолиев (ўқитувчиси – Хулкар Ҳамроева) насиб қилди. 2-ўрин Ж. Ташенев университетининг 1-босқич талабаси Ниғора Шодиқуловага (ўқитувчиси – Шахло Норалиева) насиб этса, 3-ўринни шу университетнинг 2-босқич талабаси Мавлуда Асадуллаева (ўқитувчиси – Озода Мусаева) кўлга киритди.

Танловнинг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, унда Ўзбекистондан ҳам икки нафар иштирокчи қатнашди. Улар – Жамшидбек Мирсолиев – Ўзбекистон Давлат Хореография академияси санъатшунослик таълими йўна-



Навоий тилимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган, дунё ҳамжамияти тан олган бобомиздир. Фарзандларимиз унинг ижод намуналарини ўқиб, улғайса, аминманки, улар етук инсон бўлиб етишадилар. Москва, Токио, Астана шаҳарларида Навоий ҳайкали ўрнатилгани бобомизга бўлган катта ҳурмат белгисидир.

Театр актёрлари ижросида “Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий” спектаклидан парча, санъаткорларнинг куй-қўшиқлари тадбирга янада файз киритди.

Тадбир якунида “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Абдулла Исматуллаев, Шимкент шаҳар ЎЗМБ раиси Тоҳир Нишонбоев, жорий йилда 35 йиллигини

лар, миллий чолғу асбобларини ҳада қилдилар.

– Ҳазрат Навоий форс тили устун бўлиб турган бир пайтда туркий тилда ижод қилиб, адабий тилимизга асос солди. Қозоғистонда ташкил этилган “Она тилим – жону дилим”, айниқса, “Навоий ўқишлари” танлови жаҳонда ягона. Бу билан Қозоғистон ўзбеклари ҳар қанча фахрланса, арзийди. Бунга бошқа давлатлар ҳавас қиладилар.

Курик-танлов якунига кўра, ўқувчилар орасида бош совринни Сайрам туманидаги Алишер Навоий номли

Қозоғистонда ташкил этилган “Она тилим – жону дилим”, айниқса, “Навоий ўқишлари” танлови жаҳонда ягона. Бу билан Қозоғистон ўзбеклари ҳар қанча фахрланса, арзийди. Бунга бошқа давлатлар ҳавас қиладилар.

мактабнинг 10-синф ўқувчиси Махлиё Муҳиддинова (ўқитувчиси – Сайёра Турдикулова) кўлга киритди. 1-ўрин – Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Бинафша Бозорова (ўқитувчиси – Юлдуз Қўлдо-



лиши 4-босқич талабаси ва Бинафша Бозорова – Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманидаги 17-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг муҳаррири Иқбол Қирғизбоева ва оператор Жавоҳир Ҳасанбоевлар тадбирни тарих зарварақларига муҳрладилар.

Маънавият байрамига айланган танлов иштирокчиларга руҳий кўтаринкилик бағишлади. Навоий сўзи эса яна бир бор қалбларни бирлаштирди.

**Хуршид КЎЧҚОРОВ.
Собиржон ИСАМатов
суратга олган.**